

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

(2020 йил апрель)

Кафедра мудири

Тиббий профилактика факультетида қарашли
“Фармакология” кафедраси

Доцент

Тиббий профилактика факультетида қарашли
“Микробиология, вирусология ва иммунология” кафедраси

Катта ўқитувчи

Олий маълумотли ҳамшира факультетида қарашли
“Ижтимоий фанлар” кафедраси

Ассистентлар

Даволаш факультетида қарашли “Асаб касалликлари
кафедраси, тиббий психология ва психотерапия” кафедраси

Хужжатларни қабул қилиш муддати бир ой эълон қилинган кундан бошлаб, ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади.

Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.

Даволаш факультетида қарашли “1-сон факультет ва
госпитал жарроҳлик” кафедраси

Даволаш факультетида қарашли “Анестезиология ва
реаниматология” кафедраси

Тиббий профилактика факультетида қарашли “Анатомия
ва клиник анатомия” кафедраси

Олий маълумотли ҳамшира факультетида қарашли “Аллергология,
клиник иммунология ва ҳамширалик иши” кафедраси

Тиббий педагогика факультетида қарашли “Нормал ва
патологик физиология” кафедраси

Малака ошириш факультетида қарашли “Травматология,
ортопедия ва ХДЖ” кафедраси

КОРОНАВИРУС: ВАҲИМАГА СИРА ХОЖАТ ЙЎК

ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ ЭНГ КАТТА ҲИССАСИ БУ – ЯҚДИЛЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДИР

Коронавирусга қарши курашиш бўйича ҳукуратимиз қатъий ва зарур чораларни кўрмоқда. Давлат ўз зиммасидаги вазифаларни сидқидилдан бажармоқда ва мушкул бўлса-да, муҳим қарорлар қабул қилинмоқда.

Энди эса навбат бизга — фуқароларга
Антикризис бошқаруving энг асосий қисми –
ҳар бир фуқаронинг масъулият билан, ушбу муш-
кул жараёнларга дахлдор бўлиб, ҳисса қўшишга
тайёрлигидир.

Ҳар биримиздан фақатгина ўзимиз ва оила
аъзоларимизнигина эмас, бутун жамиятимиз ман-
фаатларини ҳисобга олишимиз, бир-биримизга ва
давлатга елкадош бўлишимиз талаб қилинади.

Фуқаролар нима қилиши керак?
– Антикризис бошқарувни амалга оширишдаги
энг асосий мувофиқлаштирувчи бўлган ҳукуратнинг
барча талаб ва тавсияларига қатъий риоя қилиш;
– бир неча ойлик озик-овқат ва истеъмол
товарларини ғамлаб қўйишдан қочиш, фақатгина
яқин кунлар истеъмоли учун зарур бўлган
маҳсулотларни харид қилиш;

– врачлик ёки тиббий малакага эга бўлган,
ҳозирда бошқа фаолият билан банд бўлган мута-
хассисларнинг шифоҳоналарга кўнгилли сифатда
ёрдамга тайёрлиги;

– иш берувчилар мазкур жараёнлар оқибатида
ноқулайликларга дуч келаётган ходимларига етар-
ли шарт-шароитларни яратиб бериши (боғчалар
ва мактаблар фаолиятининг тўхтатилиши билан
боғлиқ);

– ушбу жамиятдан даромад топаётган тадбир-
корлар, чакана савдо ва хизмат кўрсатувчилар
ассосиз равишда нарх-навони ошириш ёки сунъий
тақчиллик ҳосил қилиш орқали яна шу жамият-
ни алдасдан қочиллари, муҳтож инсонларга,
айниқса кексаларга ғамхўрлик қилишлари керак;

– ҳукурат томонидан амалга оширилаётган
ишларга кўмаклашиш (кўплаб давлатларда

фуқаролар дезинфекция ишлари ва изоляцияда
қолганларга маҳсулот етказиб бериш ишларига
кўнгиллилик асосида кўмаклашиб келишмоқда);

– яқинлар, айнақса қариялар ҳолидан телефон
орқали хабардор бўлиб туриш (тўғридан-тўғри таш-
рифларда эса ҳимоя воситаларидан фойдаланиш);
– эълон қилинаётган янгиликлардан хабардор
бўлиб туриш, фақат расмий хабарларга таяниб
иш тутиш;

– ва албатта, ваҳимага тушмаслик, ваҳима
уйғотувчи маълумотларни тарқатишдан чекланиш
керак. Бизнинг бугунги ваҳимамиз бу меранг каби
албатта ўзимизга қайтиб келади. Бир фуқаро
салфеткалар ва антисептикларни юз доналаб
харид қилса, бошқа бир фуқаро эса қўлаб ун
ва шакарни ғамлаб қўяётган бўлса, охир-оқибат
бирига ун ва шакар бирига эса салфетка етмас-
лигига олиб келиши мумкин. Биз бу билан фақат
ўзимизга зарар етказамиз.

Бундай вазиятда ҳар бир фуқаронинг энг
катта ҳиссаси бу – оғир босиқлик, яқдиллик ва
ҳамжиҳатликдир.

**Бобур БЕКМУРОДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
Палатаси депутати**



ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФГА САЗОВОР БЎЛДИ

Тошкент тиббиёт академияси мамлакатнинг барча тиббиёт олий таълим муассасалари ичида биринчи бўлиб “Европа тиббиёт мактаблари” уюшмасининг тўлақонли аъзосига айланди.

Ушбу муҳим воқеа уюшма вице-президенти, Вильнюс университети (Литва) тиббиёт факультети декани, профессор Алгирдас Уткус ва Вильнюс университети делегациясининг Тошкент тиббиёт академияси билан ташкил этилган қўшма “Таълим форуми”да эълон қилинди.

Форум доирасида ТТАни Европа тиббиёт мактаблари уюшмаси аъзолигига расман қабул қилинганлиги тўғрисидаги сертификат Тошкент тиббиёт академияси ректори, профессор Лазиз Туйчиевга тантанали тақдим қилинди.

Маълумот учун: Европа тиббиёт мактаблари уюшмаси 1979 йилда Европа тиббиёт мактаблари раҳбарлари уюшмаси сифатида ташкил этилган. Бугунги кунда уюшма тиббий таълимни ривож-лантиришдаги энг муҳим масалаларни ҳал қилиш учун Европадаги энг йирик олий тиббий таълим муассасаларидан биридир.

Шу билан бирга, Уюшма Европадаги бош аккре-дация ташкилотлари билан биргаликда тиббий таълим дастурларининг сифати ва Европадаги олий таълим стандартлари ва Жаҳон тиббий таъ-лим федерацияси стандартларига мувофиқлигини баҳолаш лойиҳаларини амалга оширади.

ТТАнинг нуфузли халқаро ташкилот ҳисобланган “Европа тиббиёт мактаблари” уюш-масига аъзо бўлиши Ўзбекистондаги тиббиёт олий таълим муассасаларини халқаро миқёсга кўтариш ва илғор халқаро стандартларга мувофиқ маҳаллий таълим дастурларининг сифатини оши-риш йўлидаги амалий қадамлардан биридир.

(Давоми 2-бетда.)



БАЙРАМ ТАБРИГИ

Уйғониш ва янгилиниш, қут-барака элчиси Наврўзи айём шукҳидан диллар яйрамоқда. Тинч ва осойишта юртимизга тўй-томошалар, байрамлар ярашади.

Мамлакатимизда Наврўз қадриятлари билан жорий йилнинг Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ри-вожлантириш йили деб эълон қилинишида ҳам ўзгача узвийлик мужассам. Айтиш жоизки, Наврўз ўзаро қадр-қиммат, хайру саховат, меҳр-оқибат тимсолидир.

Эзгулик, саховатга йўғрилган уйғониш, яшариш айё-ми бу йил дилларимизни яна қувончу шодликка чулғади. Наврўз халқимизни тинчлик, баҳамжиҳатлик, хайру саховатга чорламоқда.

Ҳурматли ўқитувчи-профессорлар, талаба-ёшлар! Сизларни мана шу гўзал, тароватли Наврўз айёми билан чин дилдан қутлайман. Сизларга аввало соғлик-омонлик, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат тилайман. Илмий изланишларингиз ва ўқишларингизда омад ёр бўлсин. Наврўзи оламнинг ҳаётбахш нур-зиёси қалбингизни поклаб, нурафшон айласин.

Л.Туйчиев,


Тошкент тиббиёт академияси ректори

MUASSIS: TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI	MUHARRIR TURDIQUL BOBOMURATOV	TAHRIR HAYATI: Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari), O.Hazratov, A.Zohidiy, D.Norgulov, L.Abdugodirova, M. Hasanova	Gazeta Pentium-IV kompyuterida sahifalandi va Toshkent Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida 400 nusxada chop etildi. Manzilimiz: Toshkent shahri, Farobiy ko'chasi, 2-uy Nashr uchun ma'sul Q.Nizomov
Gazeta Toshkent Matbuot va axborot boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda 02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan		Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun mualliflar javobgardir	Бепул тарқатилади

Topshirish vaqti: 14.00



**Ғунчанинг хумори булбул бўзида,
Шу оҳ шеър бўлади шоир сўзида.**



ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФГА САЗОВОР БЎЛДИ



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тантанали тадбир давомида Литва соғлиқни сақлаш вазирининг форум иштирокчиларига расмий табриги ўқилди, Вильнюс университети ва Тошкент тиббиёт академияси раҳбарияти томонидан тақдимотлар қилинди, шунингдек, ТТА ўқув жараёнини кредит-модул тизимига ўтказиш бўйича ҳамкорлик йўллари муҳокама этилди.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини кредит-модул тизимига босқичма-босқич ўтказишга оид чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Маълумот учун: Вильнюс университети Европадаги энг катта ва қадимий университетлардан биридир. У 1579 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирги пайтда университет Европа Иттифоқида тиббий таълим ва илм-фан бўйича етакчилардан бири ҳисобланади. Вильнюс университети Болтиқбўйи давлатлари ичида биринчилардан бўлиб ўқув жараёнини кредит-модул тизимига муваффақиятли ўтказиб, ўқув дастурларини Европа стандарт-

ларига мослаштиргандир.

Форум якунида Тошкент тиббиёт академияси ва Вильнюс университети ўртасида тиббий таълим сифатини ошириш лойиҳаларини амалга ошириш учун асос бўладиган ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Литва делегациясининг таширифи доирасида бир қатор кўшма ўқув тадбирлар, ТТА ва Вильнюс университети Илмий кенгашининг кўшма мажлиси ҳамда Тошкент тиббиёт академияси ва унинг вилоятлардаги филиалларида талабалар билан учрашувлар, университетнинг етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказилиши режалаштирилган.

Бундай ҳамкорликни амалга ошириш, тиббий таълим сифатини ҳар томонлама яхшилашга қаратилган биринчи амалий қадамлардан бири бўлиб, Тошкент тиббиёт академиясининг Европа тиббиёт мактаблари уюшмасига аъзо бўлиши эса Ўзбекистондаги барча тиббиёт олий таълим муассасаларининг халқаро интеграцияси ва тиббий таълимни халқаро даражага олиб чиқишда амалий ёрдам беради.

Суҳроб НОРҚУЛОВ,
фалсафа фанлари доктори,
доцент,
Қутбиддин НИЗОМОВ,
ТТА катта ўқитувчиси



ШУКРОНАЛИК

*Яхшилик қилгин жаҳонда,
Яхши инсонлар бор учун.
Марди, майдон, алп-баҳодир,
Ул фидойи жонлар учун.*

*Яшнагин, она диёрим,
Юксалиб топдинг камол.
Бебаҳо тинчлик билан,
Юртимиз очди жамол.*

*Минг асрлик орзу ният,
Топди имкон бул замон.
Юртимизда сарбон, элга ғамхўр,
Раҳнамомиз бор учун.*

*Илму фан топди ривож,
Баркамол авлод билан.
Қалбида меҳри жўш урган,
Пир устозлар бор учун.*

*Диёримда ҳар бир инсон,
Турмушидан шодумрон.
Жўмлаи жаҳонга танилган,
Доно сардори бор учун.*

*Юртим жамолин кўриб,
Қувончларга тўлар диллар.
Бинокору аҳли ҳунар,
Зиротқори бор учун.*

*Ҳурлигинга кўз тегмагай,
Жонажон она диёр.
Шукроналик келтиргаймиз,
Барчаси барча учун.*

*Элимни туну кун асрагувчи,
Мард посбонлар бор учун.
Ватан дея иморатнинг,
Ғиштлари ёшлари учун.*

Наргиза СОБИТОВА,
ОМХ факультети талабаси



ТТА бўйича апрель ойида туғилган ҳамкасб, устозларимиз

48	Даминов Турғунпулат Абидович	25.04.1941	Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси профессори
49	Ёдгорова Нодира Турғунбаевна	25.04.1977	Микробиология, вирусология ва иммунология кафедраси доценти
50	Матназарова Гулбахор Султановна	26.04.1962	Эпидемиология кафедраси мудири
51	Нишонов Муроджон Расулжонович	26.04.1989	Анестезиология ва реаниматология кафедраси ассистенти
52	Курызова Саодат Маткаримовна	26.04.1974	Гистология ва тиббий биология кафедраси катта ўқитувчиси
53	Аллаева Мунира Журакуловна	27.04.1967	Фармакология кафедраси мудири
54	Абдуллаева Лағия Мирзатуллаевна	27.04.1957	1-сон акушер-гинекология кафедраси доценти
55	Арипова Наргиза Нусратовна	27.04.1976	2-сон ички касалликлари кафедраси ассистенти
56	Хасанов Насир Абдусолиевич	27.04.1966	Анатомия ва клиник анатомия кафедраси катта ўқитувчиси
57	Турсунбаев Анвар Каримбердиевич	28.04.1958	2-сон болалар касалликлари кафедраси доценти
58	Ахмедов Халмурад Саъдуллаевич	29.04.1968	3-сон ички касалликлар кафедраси мудири
59	Джуроева Элнора Рустамовна	29.04.1966	1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси доценти
60	Шарапов Зафар Абдунаемович	29.04.1986	1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси ассистенти
61	Ирназаров Акмал Абдуллаевич	29.04.1980	1-сон факультет ва госпитал жарроҳлик кафедраси доценти
62	Юсупходжаева Хуршида Сабирджановна	29.04.1962	Тиббий ва биологик кимё кафедраси ассистенти
63	Жуманазаров Султонбой Баходирович	29.04.1991	2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси ассистент
64	Шукурджанова Сурайё Махмудовна	30.04.1969	1-сон ички касалликлари кафедраси доценти

ТТА ректорати ва касаба уюшмаси номлари зикр этилган ҳамкасб, устозларимизни яна бир бор таваллуд кунлари билан муборакбод этади.

КОРРУПЦИЯ ИЛЛАТИГА БИРГАЛИКДА КУРАШАЙЛИК

“Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга кўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”.

Шавкат Мирзиёев

Давлат ва жамият тараққиётида таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар интеллектуал салоҳиятини кучайтириш барча омишлар қаторида ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш билан узвий боғлиқ. Ҳуқуқий онг ва маданият инсоннинг қонуний-ҳуқуқий асосда яшаши, умрини сермазмун узайтириш, қолаверса, маданий ҳамда маънавий дунёси ўзгаришларини белгилаб берадиган муҳим мезон ҳисобланади. Зеро, бугунги глобаллашув даврида инсоннинг ижтимоий турмуши, хусусан келажак авлодга намунали таълим-тарбия бериш давлатлар сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб, уларнинг зарарли иллатларига қарши курашишда ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш долзарблиги куйидагилардан иборат:

Биринчидан, таълим тизимининг асосий қисмини ёшларга таълим-тарбия бериш ташкил этганлиги боис, уларнинг таҳсилга доир тадбирлар амалга оширилмоқда. Умуман, ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги хусусан, ёшларнинг қатъий ҳаётий позицияга эга бўлишини тиббий-ижтимоий, тарбиявий ва педагогик жиҳатларини ўрганишга бўлган эҳтиёж ошиб бормоқда.

Иккинчидан, соғлом ҳаёт жамиятдаги ҳар қандай иллатга қарши курашиш, тарбия, маданият ва маънавиятга бевосита боғлиқ

бўлганлигидан, уни ривожлантиришнинг ёшларга хос долзарб муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва ечимини топиш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Учинчидан, қатъий ҳаётий позициянинг гуманистик мазмун фаровон турмушни мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялашдан иборат бўлиб, бу учун “...таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва тарбияга, мутахассисларни касбий тайёрлашнинг сифатини оширишга, таълим дастурларини доимий равишда такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади” (“Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни 3-боб, 18-моддаси).


Ўзбекистон Республикаси демократик ҳуқуқий давлат барпо этар экан, юксак билимга эга, эркин шахсни шакллантиришни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб билди. Шу мақсадни амалга ошириш учун аввало таълим соҳасида давлат сиёсатини олиб боришнинг изчил принципларига асос солинди.

Бугунги кунда таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларининг кўлами анча кенгайди, яъни 2017 йил 3 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни бу асосни янада бойитди. Қонун 6 боб, 34

моддадан иборат бўлиб, 3-боби “Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш” деб номланади. Ушбу бобнинг мазмунига кўра, педагоглар ўз фаолиятини давомида коррупцияга муроасиз муносабатда бўлиши, бу борада кўплаб илмий-амалий тадбирларни ташкил этишда кўмакчи бўлиши лозим. Коррупцияга қарши кураш доирасида ўқув-услубий адабиётларни яратиш, илмий адабиётларни ишлаб чиқиш фаолиятнинг дастуруламалига айланмоғи зарур. Чунки педагог ҳам касбий маҳорати, ҳам интеллектуал салоҳияти билан энг нуфузли мақомдаги масъул шахс ҳисобланади. Жамият тараққиёти ва келажак авлод тақдири педагогларнинг жамиятдаги зарарли иллатларига қарши курашдаги “флагмен”лигига, ҳар бир жараёнга шаффофлик билан муносабатда бўлиши билан боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар биримиз коррупцияга аёвсиз равишда курашмоғимиз зарур. Бу кураш бизнинг педагогик ва инсонийлик бурчимизни ҳам англайди.

Суҳроб НОРҚУЛОВ,
ТТА Ижтимоий фанлар кафедраси мудири,
фалсафа фанлар доктори,
доцент,
Нилуфар НИЁЗОВА,
ТТА доценти, фалсафа фанлари номзоди



ТТА бўйича апрель ойида тузилган ҳамкасб, устозларимиз

№	Ф.И.Ш.	Туғилган санаси	Кафедра ва лавозими
1	Шихов Ёрбек Оллазарович	01.04.1988	Тиббий радиология кафедраси ассистенти
2	Нормуратов Бахтиёр Қаршиевич	01.04.1968	ЛОР ва стоматология кафедраси катта ўқитувчиси
3	Самадов Абдуқаҳор Абдурахмонович	01.04.1975	2-сон болалар касалликлари кафедраси ассистенти
4	Ризамухамедова Машхура Закировна	02.04.1954	1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси профессори
5	Турдибеков Бобур Саидович	02.04.1982	Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейрожарроҳлик кафедраси ассистенти
6	Исканджанова Ферузахон Камолдиновна	04.04.1971	Педагогика ва психология кафедраси катта ўқитувчиси
7	Шодиева Хуршида Тухтасиновна	04.04.1975	2-сон акушер-гинекология кафедраси катта ўқитувчиси
8	Худайбергенов Улуғбек Атауллаевич	04.04.1965	Урология кафедраси ассистенти
9	Ахмедова Дилафруз Баходировна	05.04.1977	Нормал ва патологик физиология кафедраси ассистенти
10	Азизова Феруза Хусановна	06.04.1965	Гистология ва тиббий биология кафедраси мудири
11	Ким Денис Петрович	06.04.1987	Психиатрия ва наркология кафедраси ассистенти
12	Махсумов Музаффар Джанангирович	06.04.1972	Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш, бошқариш кафедраси доценти
13	Бекмиров Толиб Рашидович	06.04.1988	Педагогика ва психология кафедраси ассистенти
14	Джалилова Сожида Хамраевна	07.04.1988	Асаб касалликлари кафедраси, тиббий психология ва психотерапия кафедраси ассистенти
15	Сағдуллаева Махмуда Камаловна	08.04.1969	Анатомия ва клиник анатомия кафедраси ассистенти
16	Арипова Васида Бахтияровна	09.04.1983	Реабилитология халқ тиббиёти ва жисмоний тарбия кафедраси ассистенти
17	Абдурахимова Васида Бахтиёровна	09.04.1982	Ахборот-кутубхона ресурслари бутлаш, каталоглаштириш ва тизимлаштириш бўлимининг 1-д.библиографи
18	Рахмонова Гулбахор Эргашовна	09.04.1981	Тиббий радиология кафедраси ассистенти
19	Алиходжаева Гулнарахан Алаутдиновна	10.04.1945	Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейрожарроҳлик кафедраси профессори
20	Машарипов Собир	10.04.1950	Тиббий ва биологик кимё кафедраси профессори
21	Нарзиев Нурали Мухамедович	12.04.1979	Д/Ф Ички касалликлари пропедевтикаси кафедраси ассистенти
22	Нурмухамедова Нозима Собировна	12.04.1976	1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси ассистенти
23	Рузиева Бобошер Усарович	12.04.1982	Ижтимоий фанлари кафедраси ўқитувчиси
24	Нигматуллаева Дилафруз Журакуловна	12.04.1982	Атроф-муҳит гигиенаси кафедраси ассистенти
25	Мирзабекова Озода Алимбековна	13.04.1976	УАШ қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш кафедраси ассистенти
26	Назирова Саодат Хамидуллаевна	13.04.1962	Офтальмология кафедраси доценти
27	Онгарбаев Дауранбек Онгарбай ўғли	13.04.1990	Фтизиатрия ва пульмонология кафедраси ассистенти
28	Адилов Шухрат Каюмович	14.04.1958	Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи
29	Оллаёров Азизбек Абдуллаевич	14.04.1991	Урология кафедраси ассистенти
30	Набиева Дилдора Абдумаликовна	14.04.1974	1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси мудири
31	Зияева Мархамат Мирфазиловна	15.04.1972	Талабалар турар жойи дирекцияси паспортчи
32	Максудова Зулфия Санатовна	15.04.1974	Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси ассистенти
33	Зайнутдинова Дилафруз Латибовна	15.04.1990	Гематология, трансфузиология ва лаборатория иши кафедраси ассистенти
34	Умарова Замира Фахриевна	16.04.1947	2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси доценти
35	Абдуазизова Наргиза Хакимовна	16.04.1973	1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси доценти
36	Ахмедов Тўлқин Журакулович	17.04.1977	Суд тиббиёти кафедраси ассистенти
37	Бектемирова Норбуви Тухтаевна	18.04.1970	Анестезиология ва реаниматология кафедраси катта ўқитувчиси
38	Туляганова Махфуза Ахборовна	19.04.1965	Буюртмалар портфелини шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсимлаш ва мониторинг бўлими бошлиғи
39	Юсупова Бахтигўл Джумабаевна	19.04.1968	Анестезиология ва реаниматология кафедраси катта ўқитувчиси
40	Орлик Елена Александровна	20.04.1978	Илмий-услубий ва ахборот маълумот бўлими етакчи мутахассиси
41	Акрамова Зиёда Шукриллаевна	20.04.1960	Тиллар кафедраси катта ўқитувчиси
42	Тўйчибаева Нодира Мираталиевна	22.04.1973	Асаб касалликлари кафедраси, тиббий психология ва психотерапия кафедраси доценти
43	Салимова Наргиза Джумабаевна	22.04.1974	2-сон ички касалликлари кафедраси катта ўқитувчиси
44	Халимова Холида Хакимбаевна	23.04.1980	2-сон ички касалликлари кафедраси ассистенти
45	Жаббаров Озимбай Отаханович	25.04.1966	2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси мудири
46	Рўзиев Фарход Курбонovich	23.04.1969	Патологик анатомия кафедраси ассистенти
47	Рахимбоев Сухроб Давлатёр ўғли	23.04.1992	Фармакология кафедраси ассистенти

КЕЛСА ГАР НАВРЎЗИ ОЛАМ



Кун ҳамалга кирди эрса келди олам Наврўзи,
Кетди қалбдан замҳарир қиш,
қолмади қори-бузи

деган эди “Қисасул анбиё”нинг муаллифи шайх Носириддин Бурҳонуддин Рабғузий (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин).

Ислон дини тарихидан, энг мукамал маълумотлар берган асли хоразмлик бу буюк бобокалонимиз Янги кун – Наврўзни исломдан аввал ҳам бу юртларда энг гўзал, энг ҳафиф байрам, шодмонлик сифатида нишонлашини келтириб ўтган. Шунингдек, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиблар ҳам ўзларининг қимматли манбаларида Наврўзи олам ҳақида ноёб фикрларни келтириб ўтганлар. Дарҳақиқат, жаннатмакон диёри-мизда баҳор шарпаси кезиб юрибди, гўдакдек маъсум, онадек меҳрибон, отадек саховатли, сингилдек муни-са... Адолатсизлик, истибодга қарши бош кўтарган исёнкор қалб соҳиби каби қорларни тагидан бойче-чаклар бош кўтараётган, бинафшалар, чучмомалар, исмалоқлар, момоқаймоқлар илоҳий ранг олаётган, Аллоҳнинг жамийки маҳлуқот ва мавжудотларига қувват, шиддат ва шижоат бераётган қутлуғ кунлар-нинг остонасида турибмиз.

Баҳор келса бошланур боғда булбул хониши,
Саъва, қумри нағмаси, суралай товганиши.
Қирларда лола сайли, қишлоқларда йилбоши,
Тўхтагай табиатдан ҳаққушлар зорланиши,
Кетма баҳор, менинг боғимдан.
Ёз бўйи қорға зорман, қишда баҳорга зорман,
Чаманда гул бўйига интиқман, интизорман.
Куз келмай хазон бўлган севги, гулдан безорман,
Баҳорсиз ҳам диёрсиз, эл ичра баназарман,
Кетма баҳор, менинг боғимдан.

деган эди бу даврлардан мутаассир бўлиб кўзлари ёшланган яна бир улуғ шоиримиз, бахшитабиат инсон Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон (Аллоҳ бу зотни ҳам раҳмат булоғига чўмилтирган бўлсин). Дарҳақиқат, кўкларнинг ифори келиб тоғу тош, боғу роғ, ҳаттоки буюк бобо-момоларимизни бағрига олиб, аллалаб ётган кўҳна қабрлар устида ҳам гиёҳлар омонатгина тебраниб, саловот ва дур-руд айтиб турибдилар. Янги куннинг – Наврўзнинг илоҳий қадамларини ҳис этиб бир ҳафтадан буён ҳовлимда булбуллар масиқиб сайрамоқдалар. Бу митти ва илоҳий замондошларимга қараб тунлари


кўзларимдан уйқу қочиб, ҳайратланиб ўтираман, кўпчилик одамлар етолмаган шундай қутлуғ кунлар остонасига етказгани учун бетиним шукроналар қиламан. Эснаб, кўзларини ишқалаб митти чумоли-лар ҳам ҳовлим саҳнида ризқ-рўзини излаб юрибди-лар. Яқинда йўлимиз тушиб Самарқанд вилоятига бориб келдим, лайлақорлар жўшиб ёғаетганлигига қарамасдан, улкан симёғочлар устидаги маҳобатли инлариде лайлақлар битта оёқда туриб, тобора яқинлашиб келаётган Наврўзи оламга таъзим қилмоқдалар. Ҳар йили уйимдаги 16 та қалдирғоч уясини тўлдириб, сариқ оғизчаларини бетиним очадиган жимит полопонларни эслаб юрагим ҳаприқиб кетаяпти. Халқимизнинг энг ардоқли шоирларидан бири, оилавий қадрдоним, марҳум Муҳаммад Юсуф ушбу маҳбуб шеърини айнан мана шу фаслда битган бўлса не ажаб:

Сочимда оқ, мен баҳордан ўтиндим,
Кўклайим, кўкиндан бер бир чимдим.
Қор қўйнида сени кўмсаб ўқиндим,
Кўклайим, кўкиндан бер бир чимдим.
Кўнглимга кўк бинафшалар сочилсин,
Коклига толпоқдан соч илсин,
Бойчечакка борар йўллар очилсин,
Кўклайим, кўкиндан бер бир чимдим.

Баайни шайх Жалолиддин Румий янглиғ бутун башариятни ардоқлаб бошига кўтарган Мир Алишер Навоий “Ҳар кунинг Наврўз ўлиб, ҳар тунинг кадр ўлсин” деганларида умримиз худди Наврўз каби яшариб, янгилашиб, илҳомланиб, куёшларга тўлиғ бўлиб, тунларимиз эса Лайлатул кадр кечасидек Минг ойдан баракалироқ бўлишини назарда тутган-лар. Биз ҳам Сизни қутламоқ истадик:

Муҳтарам Академиямиз аҳли жамоа-си, ҳамкасабалар, устозлар, илм толиблари, ҳаммангизни мустақил юртимизнинг энг улуғ ва энг гўзал байрами – Наврўзи айём билан дил-дан қутлаймиз, Янги кун – Янги йилнинг ибтидо-си ҳаммамизга шараф ва омадлар, офиятлар келтирсин! Улуғ ислоҳотларнинг бошида турган раҳбарларимизни ишлари хайрли бўлсин!

Алижон ЗОҲИДИЙ,
Турон Фанлар Академияси академиги, Ўзбекистон
Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси,
Кутбиддин НИЗОМОВ,
Турон Фанлар Академияси академиги, Ўзбекистон
Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси



КИТОБНИ ЁШЛАРНИНГ АҚЛИЙ ЮКСАЛИШИДАГИ АҲАМИЯТИ

Мамлакатимизда ёшларни билим олишига давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилган. Мактаб ёшигача, мактаб – ўрта таълим, лицей ва коллежлар ва ҳоказо таълим муассасаларида фарзандларимизга таълим беришга муҳим ва алоҳида аҳамият берилади.

Ҳозирги кунда ёшларимиз дунёнинг кўпдан-кўп яқин ва узоқ мамлакатларида таълим олишмоқда. Ўрта ва олий муассасаларида ўзбек тили билан биргаликда рус, инглиз, немис, француз, корейс, хитой, япон, испан тилларни ўрганиш учун барча имкониятлар яратилган. Ўзимизда мавжуд мутахассислардан ташқари чет эл вакиллари ёшларимизга таълим бериш учун астойдил хизмат қилишмоқда. Бугунги ёшларни ўз касбининг моҳир устаси бўлиши билан бирга миллий ва умуминсоний қадриятлар, юксак ахлоқ, одоб, сиёлик ва ҳушмуомилалик каби фазилатларга эга бўлган комил инсон бўлиши зарурдир. Етук мутахассис: муҳандис, шифокор, фазогир, авиасоз-конструктор, дидли муҳарриру мусаввир бўлиши билан бирга шунга мос, ҳазрати одам бўлиши керак. Тарбиячининг ўзи тарбияланган

бўлиши керак. Савол бериш талабанинг ҳуқуқи. Ҳар қандай қинғир саволга ҳам тўғри жавоб қайтариш маърузачининг бурчи. Жамиятнинг ўқ илдизи, асосий қатлами соғлом бўлса, қолгани хавфли эмас. Яхши китоб – китобхонларнинг қалбига етиб борадиган, уни ўйлантирган муаммоларга жавоб топишга ёрдам берадиган, айниқса талаба-ёшларнинг билим олиш, касб-хунар ўрганиш, юқори малакали мутахассис бўлиб етишишида йўл-йўриқлар кўрсата оладиган манбадир. Бу эса мустақилликнинг залворли юки, даъвати, давр руҳини, талабларини янги таълим-таҳсил ва тадқиқотлар мантиқини, янги турмуш тарзини ёшларга содда ва тушунарли қилиб, муҳими уларни қизиқтирадиган, эътиборини тортадиган жозибали бир услубда баён қилиб бериши зарур. Халқимиз дейди: сўзловчи нодон бўлса, тингловчи доно

бўлмоғи керак; ким мард, ўзини ўзи енга олган мард. Бу илмларни, бундай ахлоқни биз соҳибқирон Амир Темур, Бобурдан ўрганайлик. Оллоҳ таоло айтганки: менадан ўзга ҳеч кимга ишонма. Лекин табиғат ҳам ишон, унга кўриниб тур, акс ҳолда мен уни нима учун яратдим?

Инсонлар турли миллат кишилари ўртасида алоқа ўрнатиш воситаси маъносидан ҳам тилларни ўрганиш миқёси бениҳоя кенгайди ва бу жараён, лисоний жуғрофия тобад кенгайиб, чуқурлашиб бораверади. Тил маданияти, тилларни билишга ружу қилиш бешиқдан то қабргача узлуксиз давом этадиган фаолиятдир. Дунёни биламан, жаҳоний миқёсда танийман ва таниламан деган улкан мақсадни ўз олдига қўйган бугунги олим, ғижолаб жаҳон тилларини ўрганишга мажбурдир.

**Исроил УМИРОВ,
ТТА доценти**

ЎСМИРЛИК ДАВРИДАГИ ИЖТИМОЙ ВА ТИББИЙ МУАММОЛАР

Маълумки, ўсмирлик даври Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти таснифига биноан организмнинг юқори даражада физик, ақлий ва психосоциал ривожланиши ва алмашинуви даври бўлиб, инсон ҳаёти давомида унинг ўсиши ва ривожланиш даврининг деярли ярмини қамраб олади. Бу давр организм ўсишининг тезкорлиги билан характерланади, шу билан бирга барча тизимлар, айниқса нейро-эндокрин ва иммун тизимнинг ривожланиши ҳамда айрим патологик жараёнларнинг кечиши бўйича қизлар ва ўғил болалар учун "хавфли давр" бўлиб ҳисобланади.

Дарҳақиқат, ўсмирлик даври инсон ҳаётининг нозик палласи ҳисобланар экан, улар билан мулоқот қилиш, маслаҳат бериш ва баҳолашда оила аъзолари, маҳалла пешқадамлари, тарбиячи-мураббийлар ва тиббиёт ходимлари томонидан зийраклик, ҳушмуомалалик, дўстона муносабат, шифокорлик сирини сақлаш ва алоҳида эътибор билан ёндошишни талаб этади.

Шу жумладан, ўсмирларнинг психо-социал ривожланишини баҳолашда қуйидагиларга эътибор бериш зарур: оилавий муҳит, жинсий тарбия, ва гиёҳвандликка қарши муносабати, турли зарарли оқимлар қуршовига муносабати, ростгўйлик, дўстона алоқалари, мустақиллиги, шахсининг қандай шаклланиши, шахсий лаёқати ва чидамлилиги. Қизлар характеридаги психологик ўзгаришлар ҳам кўпинча ўсмирлик даврида кўрина бошлайди: ваҳима, ижтимоий безовталиқ, депрессия, ахлоқнинг бирор нарсага қарамлилиги, овқатланишнинг бузилиши, мажбурий анорексия шулар жумласидандир.

Патологик одатлар: тамаки чекиш, алкоголизм, наркомания. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та ташаббуснинг 4-банди ижросини таъминлаш, ўқувчи-талабалар ўртасида компьютер

технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида тиббий-педагогика факультети 603-с гуруҳ талабалари томонидан Зангиота туманидаги 3-сон умумтаълим мактабда 8-синф ўқувчилари иштирокида "Тиббиётда ахборот-коммуникацион технологиялар имкониятлари", "Сиз интернетдан тўғри фойдаланасизми?" мавзуларида тадбир ташкил қилинди. Тадбир жараёнида ўқувчиларнинг бугунги кундаги ахборот-коммуникацион технологиялар имкониятларига бўлган муносабати, интернет маълумотларига қизиқишлари, ундан қандай фойдаланиши, муаммолари ҳақида фикр-мулоҳазалари ўрганилди. Шу билан бирга ўсмирларнинг жамиятда тутган ўрни, оиладаги вазифалари, одоб-ахлоқи ва тиббий муаммолари ҳақида турли хил мунозаралар ўтказилиб, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир якунида йигит-қизларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилди. Бир сўз билан айтганда тадбир жонли мулоқот тарзида, таассуротларга бой ва кўтаринки руҳда ўтди.

**Л.РАХМАНОВА,
ТТА Даволаш факультети
2-сон болалар касалликлари
кафедраси доценти, т.ф.д.**



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ҲАРБИЙ-ТИББИЁТ ФАКУЛЬТЕТИГА ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!



Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультети Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 июль кундаги 203-сонли Қарори асосида ташкил этилган.

ФАКУЛЬТЕТНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ:

- юқори интеллектуал салоҳиятга, ҳарбий тиббиёт соҳасида пухта билимларга эга, ўз Ватанига чексиз садоқатли, тинч ва ҳарбий даврда кўшинларни тиббий таъминлашни самарали ташкил этишга қодир бўлган тиббий хизматнинг юқори малакали офицерларини тайёрлаш;
- резерв ва захира тиббий хизматнинг тиббиёт бўлинмаларини мураккаб тактик шароитларда бошқаришга қодир бўлган, пухта билимга эга офицерларни тайёрлаш;
- ҳарбий тиббий кадрларни малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш соҳасида ўқув-методик адабиётларни яратиш ва нашр этиш.

ҲАРБИЙ ШИФОКОРЛАР ТАЙЁРЛАШ КУРСЛАРИ КУРСАНТЛАРИНИ САРАЛАБ ОЛИШ ТАРТИБИ:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга, 26 ёшгача бўлган ва олий ҳарбий таълим муассасасида ўқиш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси олий тиббий таълим муассасаларининг "даволаш иши" йўналиши бўйича ўқишнинг тўртинчи босқичини муваффақиятли тамомлаган, шунингдек, ҳарбий-касбий саралаш тадбирларидан ўтган талабалар факультет курсантлари таркибига қабул қилинади.

Танлов факультет базасида июнь-июль ойида ўтказилади.

НОМЗОДЛАРИНИ САРАЛАБ ОЛИШДА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР:

- ўқишни факультетда давом эттириш хоҳиши тўғрисида шахсий аризаси (факультет бошлиғи номига);
- соғлиғининг ҳолатига кўра ҳарбий хизматга яроқли бўлиши;
- факультетда ўқишни тамомлагандан сўн 5 (беш) йил муддатда Қуролли Кучларда ҳарбий хизматни ўташ мажбурияти олиши;
- грифланган адабиётлар ва иккинчи шакл бўйича буюмлар билан ишлашга рухсат берилганлиги.

НОМЗОДЛАРИНИ САРАЛАБ ОЛИШНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНЛАРИ:

- тиббий кўрик натижалари (бўйи-170 см; вазни-60 кг);
- умумжисмоний тайёргарлик кўрганлигини баҳолаш: тезлик машқи (100 метрга югуриш) (сек): 14,0 (аъло баҳо), 14,4 (яхши баҳо), 15,0 (қониқарли баҳо); чидамлилиқ машқи (3000 метрга югуриш) (мин): 12,40 (аъло баҳо), 13,20 (яхши баҳо), 14,0 (қониқарли баҳо); куч машқи (турниқда тортилиш) (марта): 12 (аъло баҳо), 10-11 (яхши баҳо), 8-9 (қониқарли баҳо),
- индивидуал-психологик тест синовлари;
- умумкасбий фанлар бўйича тест синовлари орқали интеллектуал қобилиятларини баҳолаш натижалари.

КУРСАНТЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ИМТИЁЗЛАР:

- бепул ётоқхона (2 ўринли) билан таъминланади;
- уч маҳал бепул иссиқ овқат, фаслга қараб бепул ҳарбий кийим-кечаклар берилади;
- пул таъминоти (стипендия), жумладан: қониқарли баҳога – 614.659 сўм; яхши баҳога – 700.273 сўм; аъло баҳога – 806.191 сўм.
- жамоат транспортларидан бепул фойдаланиш ва ҳарбий-тиббий муассасаларда бепул даволаниш ҳуқуқи берилади;
- ёзда 30 сутка ва қишда 15 сутка каникуляр таътил берилади;

- ёзги таътилда темирйўл транспортдан ва жамоат транспортининг барча турларидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилади;
- факультет битирувчиларига олий таълим тўғрисидаги диплом ва "ҳарбий врач" малакаси берилади.

ЎҚИШНИ ТАМОМЛАГАНДАН КЕЙИНГИ ИМТИЁЗЛАР:

- ҳарбий хизматчилар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан озиқ-овқат, пул, кийим-кечак, уй-жой билан таъминланади;
- офицернинг аризасига биноан тақдим қилинаётган уй-жой умумий қийматининг 25 % дан 50% гача миқдоридagi дастлабки бадал пулини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлаш йўли билан узоқ муддатли ипотека кредити бериш тизими бўйича турар жойлар берилади ёки ижарада турганлиги учун пул компенсацияси тўлаб берилади;
- моддий рағбатлантириш фондидан ҳар кварталда пул мукофотлари берилади;
- йил якунларига кўра январь ойида кўшинлар жанговар шайлиғини сақлаб тургани учун 2 та пул таъминоти оқладига тенг миқдордаги бир марта бериладиган пул мукофоти тўланади;
- узлуксиз ҳарбий хизмати учун биринчи уч йилга пул таъминотининг икки ойлик оқлади миқдоридан ва кейинги ҳар икки йили учун худди шу миқдорда бир марталик пул мукофоти берилади;
- бир йилда бир марта битта пул таъминоти оқладига тенг миқдордаги моддий ёрдам пули тўлаб берилади;
- ҳарбий-тиббий муассасаларида бепул тиббий ёрдам олиш, дори воситалари ва тиббий мулк билан бепул таъминланиш, санаторийларда имтиёзли дам олиш;
- ҳар йили муддати 30 суткага тенг навбатдаги таътил берилиб, бунда пул таъминоти сақланади ҳамда таътилни ўтказиш жойига бориш ва қайтиш учун уч кундан кўп бўлмаган вақт берилади;
- 10 йил хизматига 5 сутка, 15 йил хизматига 10 суткалик, 20 йил хизматига 15 суткалик кўшимча таътил берилади;
- таътил ўтказиш жойига бориш ва қайтиш учун жамоат транспортдан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга;
- ҳарбий хизматчининг фарзандлари яшаш жойи, шу жумладан, вақтинча яшаш жойи бўйича мактабгача таълим муассасалари ва ўрта таълим муассасалари, шунингдек, вазирликнинг болалар соғломлаштириш лагерларига навбатсиз қабул қилинади;
- 10 йил хизмат қилган офицерлар ҳарбий хизматдан бўшатилаётганда олий таълим муассасасининг кундузги бўлимидаги бир ой ўқиш муддати бир ой хизмат муддатига, шунингдек, ОТМ тамомлагандан сўн ихтисослигига мос келадиган лавозимлардаги бир ойлик иш стажини бир ойлик хизмат ҳисобида ҳисобланади.



**Касблар орасида иккита буюк касб бор:
"ВАТАН ҲИМОЯЧИСИ" ва "ШИФОКОР".
Ҳарбий шифокорда бу иккала касб ҳам мумкин!
Манзил: Тошкент ш., 3-йиллар кўчаси, 4-уй.**

